



ШОҲСУПАЛАР ТОМОН ЙЎЛ

– “Универсиада” мусобақалари кўп йиллардан бери анъанавий ўтказиб келинаётгани боис мусаб-бийларимизда ҳам, спортчиларимизда ҳам тажриба ва кўникмалар орттириб бормоқда, – дейди терма жамоамиз бош мураббийи Аширбек Абдусатторов. – Шу тажриба ва кўникмалар ҳар биримиз учун катта имтиҳон ҳисобланган “Универсиада” мусобақаларида кўл келишига ишонаман. Қолаверса, спортчиларимизнинг ҳар бири мусобақадан медаллар билан қайтишга сўз беришган.

Тошкент Давлат аграр университетида терма жамоамизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этиб, спортчиларга улкан зафар ва омад тилади. Жозибдор куй-қўшиқ ва рақслардан иборат концерт дастури уларга кўтаринки кайфият бағишлади.

– 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган “Универсиада” мусобақаларида кўпчилик ҳаёонларим кечадигдек ёдимда, – дейди стол теннис жамоаси аъзоси Алие Исмоилова. – Ушанда жамоамиз биринчи ўринни эгаллаган эди, Қолаверса, мен “Энг нафосатли спортчи” номинация қилиб танланган эдим. Вилотимиз ва менинг номим эълон қилинганда кўзимни тўхтатолмагандим. Бу йил ҳам юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда тайёргарлик кўрдим. Дўстларим билан биргаликда бу сафар ҳам вилотимиз ишончини оқлашимизга ишонаман.

Анъанага кўра, мусобақаларнинг машааласи Паркент туманидаги “Физика-Кўёш” илмий-ишлаб чиқариш билмасмасидан алаҳча олдирилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар, спортчи ва санъаткорлар иштирок этишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

АНА ХОЛОС!

Тахририятга оҳангаронлик Фозил Холматовдан шикоят мактуби келди. Унда айтилишича, мактуб муаллифи бир неча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланган. Шаҳар марказидаги “Одил Холис Хизмат” хусусий фирмасига қарашли чанқовбосчи ичимликлар дўкони тадбиркорнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Тадбиркор савдо айланма маблағини кўпайтириш мақсадида “Халқ банки”нинг Оҳангарон филиалидан 10 миллион сўм кредит олди. Шу залда “Одил Холис Хизмат” фирмаси фаолияти ривожланиб, савдо кўлами анча кенгайди.

Фозил Холматов ўз фаолиятини янада кенгроқ йўлга қўйиб, Оҳангарон туманининг Телов қишлоғида чорва молларини кўпайтириш мақсадида яна банк филиалига мурожаат қилди. Муассаса мутасаддилари у тақдим этган ҳужжатларни қабул қилиб, банкнинг вилот филиали кредит кўмитасига юборишди.

Кўмита Фозил Холматовнинг чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 3 йил мuddатга 16 фоиз устуама ҳақ тўлаш шарти билан 14 миллион сўм кредит сўраб қилган мурожаатига ва йўлдан жўлга юрган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қатор важларга таяниб, рад жавобини берди. Хусусан, шу банк мижози бўлган “Одил Холис

Хизмат” хусусий фирмасига 2009 йил 3 июнда 12 ой мuddатга 10 миллион сўм кредит ажратилгани, бироқ мижоз қайтариш жавабига асосан асосий қарзини қайтаришга улгурмагани айтилди. Кредитлар базасида қарздорлиги бўлган мижозларга эса қайта маблағ ажратилмаслиги кўрсатилган.

Шундан сўнг банк мутасаддиларининг маслаҳати билан Фозил Холматов келими Барно Холматова номига деҳқон ҳўжалиги ташкил этиб, давлат рўйхатидан ўтказди. Ушбу ҳўжалик ҳисобига кредит олиш мақсадида зарур ҳўжатларни яна ўша банка топширди.

Фозил Холматовнинг айтишича, банк мутасаддилари ҳўжатларини ҳеч қандай расмийлаштиришсиз олиб

“Ҳар бир фарзанага – меҳр, эътибор!” ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги “Тошкентленд” истироҳат боғида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари учун байрам тадбири ўтказилди.

СЎЛИМ БОҒДА БАЙРАМ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Таълим иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Sen Yolg‘iz Emassan” Республика жамоатчилиги болалар жамоаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамоаси томонидан ташкил этилган Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилотларидан қарийб 1400 ўғил-қиз тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда илчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг лавозимдор мақсади ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтисоди ва қизиқиши бўйича касб-хўнар эгаллашдек эзгу мақсадларга йўналтирилган. Бу борада ижтимоий ҳўмияга мўҳтож, кам таъминланган, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Шу кўни боғдаги барча аттракционлар болаларга беғул хизмат кўрсатди.

Ў.А.



ЯНГИ ШЕРИКЛАР ИМКОНИЯТЛАР

Саноат кўрғазмасида “Тожиёв Омад” масъулият чекланган жамияти ҳам ўз махсулотлари билан иштирок этди.

– Биз асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлари ва касб-хўнар коллежлари учун ўқув жиҳозлари ишлаб чиқарамиз, – дейди қорхона директори Баҳодир Тожиёв. – Шу кўнунча вилот халқ таълими муассасаларининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

10 фойзини ўқув жиҳозлари, хусусан, парта, стол, стул ва бошқа мебеллар билан таъминлади. Саноат ярмаркасида янги шериклар орттирдик. Энди ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантирамиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, саноат ярмаркаси катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, вилотимизда ўтказилган бу галги саноат кўрғазмаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

лантиришга, улар ўртасида кооператив алоқаларини янада кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи янги лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастурига киритишга хизмат қилди.

Улўбек ҲАМРОКУЛОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.

СУРАТАЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

қолишган. Яъни Барно Холматовага тегишли ҳўжатлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган...

Тахририятга йўлланган шикоятнинг ўрганиш мақсадида банк филиалида бўлганимизда кредит маса-

лалари билан шуғулланувчи мутасаддилар Барно Холматовага тегишли ҳўжатларни қўйилмаган тўхта-тишди, аммо нима сабабдан топширилган санаси кўрсатилмагани, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмай, қабул қилинганлиги, ҳатто, банк бошқаруви Баҳодир Каримов ҳам изоҳлаб беролмади.

Аммо, банк берган маълумотномада ҳўжатларда камчиликлар борлиги сабабли қайтарилгани айтилган.

– Келишим билан яна югур-югур қилиб, янгидан ҳўжатларни тайёрлади, – дейди Фозил Холматов. – Бўнға ўзим бош-қош бўлдим. Ҳўжатларни банкка топширдик.

Улар ҳам яна “Халқ банки” вилот филиалининг

раҳбарининг бўрдоқчилик билан шуғулланган малакасига эга эканлиги тўғрисидаги ўқув курсларидан сертификат тақдим этиш шарти билан 4-5 миллион сўм кредит ажратилиши мумкинлиги айтилган.

– Ҳўжатларда шўнча камчилик бор экан, нима учун жойдаги банк мутасаддилари бунди тушунтириб, ҳатоларни кўрсатишмади, – дейди Фозил Холматов. – Ёки банк ҳодимларининг ўзлари бу масалаларда тўла маълумотга эга эмасми? Ёки ўртада бизнинг шўнча сарсон бўлганимиз қолди.

Биз шикоятни ўрганиш жараёнида мурожаат эгаси ҳамда банк мутасаддилари билан учрашганимизда бир қатор саволлар юзага келди. Аввало, кредит олиш жараёнида мижозлар тартиб қоидалар билан таништирилди-ми? Қолаверса, мижоз ва банк ўртасида бундай тушунмовчиликлар нима сабабдан юзага келяпти? Бўнға ким айбдор? Ўз мақсад ва режаларини тўла тушунтириб беролмаётган ишбилармонларми ёки ҳўжатларни белгиланган тартибда қўйиш мавофиқ қилишнинг назорат қилмай қабул қилаётган банк мутасаддиларими?

Раъшан ЁҚУБЖОНОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.

ТАНЛОВ

ҲУНАРМАНДНИНГ НОНИ БУТУН

Сервиқор тоғлар, ям-яшил боғлар бағрида жойлашган сўлим масканлардан бири Ангрн шаҳрини қончилар, нурчилар шаҳри, деб ҳам аташади. Аҳолисининг эса ҳўнармандлик бобида эътирофга молик ишлари бор.

Халқимизнинг “Ҳўнар, ҳўнардан унар” мақоли бежиз айтилмаган. Азал-азалдан фарзандини бирор ҳўнарга ўргатиш оталарнинг бурчи ҳисобланган. Зеро, ҳўнармандлик – фаровонлик дегани. Бу ҳикматни англаб етганларнинг эса нони бутун бўлади. Шўнинг учун ҳам, Ўртбошимиз мустақиллигининг илк кўнлариданоқ тадбиркорлар, ҳўнармандларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Халқ бадийи ҳўнармандчилиги ва амалий санъатини янада юксалтириш, қўллаб-қувватлаш, “Ҳўнарманд” уюшмаси фаолиятини ривожлантиришга асосланган савий-ҳаракатлар кўламини тобора кенгаймоқда.

Вилотимиз туман ва шаҳарларида ҳўнармандлар фаолиятига бағишланган тадбирларнинг тез-тез ўтказилаётгани янги-янги номларни кашф этаётди. Вилот ва Ангрн шаҳар ҳўкимликлари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорлигида ўтказилган “Ҳўнарманд оила – фаровон оила” номли кўрик-танлово томошабиларда катта таассурот қолдирди. Турли ҳўнармандчилик буюмлари – миллий либос, замонавий кийим-кечак, дурадгорлик, темирчилик,

ганчкорлик махсулотларида касба муҳаббат, Ватан меҳри акс этган. Миллий либосларга боқиб, ички бир ғурурни тўясиз. Халқимизнинг бетакрор фазилатлари, ғўзал табиати ифодада турган таъсирий санъат асарлари, каштакчилик, зардўзлик буюмлари, сандиқлару рўзғорбоп темирчилик жиҳозларини кўриб кўз қўнади, дил яйрайди. Ҳўнармандлар маҳорати, фидойилиги туфайли фаровонлашиб бораётган ҳонадон эгалари чехрасида шўкроналик.

Танлов иштирокчиси, тикувчи – Шохиста Мадиёрова, тўқувчи Ирина Бойматова, ганчкорлар оиласи Мамадалиевларнинг махсулотлари 1-ўринга мўносиб топилди. Ҳўнарманд оилалардан Жамолдиндовлар ясаган миллий руҳдаги сандиқлар, тохвич, қамишдан мебел ясашни йўлга қўйган Малоҳат Жумабоеванинг гулсават, оромқурчилари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

– Ангрн шаҳрида 60 та ҳўнарманд оила бор, – дейди “Ҳўнарманд” уюшмаси раиси Абдумалик Сулаймонов. – Ҳўнармандчилик оилавий бизнесни ривожлантиришнинг мўҳим йўналиши ҳисобланади. Ҳўнар-



мандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган шароитлар фаровонлиқни таъминлаш йўлидаги ғамхўрликдир. Бўнға жавобан, ҳўнармандлар сафини янада кенгайтириш, касаначилик билан шуғулланувчиларга алоҳида эътибор кўрсатишни режалаштирганмиз. Айниқса, ёшлар ўртасида ҳўнармандчиликни кенг тарғиб қилиш, “Устоз-шогирд” мактабларини ташкил этиш миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлашда, ҳўрмат ва эътиқодни мустаҳкамлашда мўҳим омили бўлиши шўбҳасиз.

– Бўнғунги танловда иштирок этаётган тадбиркор, ҳўнармандларимизнинг махсулотларини кўриб турибсиз, – дейди шаҳар ҳўкимии ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нарғиза Назарова. – Томошабинлардаги қизи-

қиш, ҳайрат ва ҳавас эртанги кўн ёшларининг ҳаётида мўҳим бурилиш ясага, ҳўнарманд оилаларимиз янада кўпайса. Тадбирдан кўзланган мақсад ҳам шў.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳар истироҳат боғига ўзгача фойз, тантанаворлик бағишлаган кўрғазма аҳолига манзур бўлди. Ҳўнармандлар бундан буюн ҳам тез-тез учрашиб туриш, ўзаро тажриба алмашишга аҳд қилишди. Унда иштирок этган вилот ҳўкимии ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва ангрнлик ҳўнармандларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлади.

Сайёра РИХСИЕВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.

СУРАТАЛАРДА: ҳўнармандлик саодатидан масрур чехралар.

ЁДИМДАСАН, ВАТАН!

Юқоричирчиқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида Баркамол авлод йили ҳамда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳўмия қилиш кўни муносабати билан “Ёдимдасан, Ватаним!” шўири остида ўқувчи-қизлар ўртасида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо ҳодимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси туман вакилиги, таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси-туман бирлашган кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 50 ўқувчи-қиз ўзлари чизган расмлари билан иштирок этди. Ҳавас-

корлар ўз расмларида асосан Ватанимиз рамзлари, ғўзал табиати, тарихий ғўшаларини ёрқин бўёқларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилишган.

“Танлов” якунига кўра, Юлдуз Абдурауфова фахрлий биринчи ўринни қўлга киритди.

Латифжон МАНСУРОВ.

НАЗОРАТ

ОРТИҚЧА ҲУЖЖАТ КИМГА КЕРАК?

Тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳўқуқларини ҳўмия қилиш иқтисодиёт ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини ривожлантиришнинг мўҳим шартидир. Вилот алаия бошқармаси бу борада кенг кўламли ишлар олиб бормоқда.

Чўнончи, Зангиота туманидаги “Буюк Турон транс” масъулият чекланган жамияти раҳбари Ш. Максудовнинг вилот ҳўкимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳаракатларидан норози бўлиб берган шикоятни ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, “Тошкент ҳақиқати” газетасининг 2009 йил 18 мартдаги сонидида “Бозор кўргўни – Ширин АШБ” йўналиши очик тендерга қўйилгани эълон қилинган. У тақси йўналиши ҳисобланади. Бироқ, тендерда иккинчи талабгор – “Келес АТП” очик акциядорлик жамияти автобуслари билан қатнашиб қолиб топилган. Биринчи талабгор – “Буюк Турон транс”нинг тендер пакетлари нотўғри тўлдирилганига сабабли савдодан чиқарилган.

Тендер ўтказилишида ва йўналиш қўйилиши белгиланганда Ўзбекистон Республикасининг “Фўкараларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қўнони, шўнингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ижро интизомини қўйитириш чора-тадбирларига тааллуқли қарорлари талаблари бузилган. Бу мурожаатноманинг якунлари бўйича вилот ҳўкимига тақдимнома киритилди. Унинг ижроси жараёнида камчилик бартараф этилиб, вилот тендер комиссиясини қайтадан ўтказишга қарор қилинди, департамент бўлими бошлиғи Р. Мустақовга ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фойзи микдо-

рида жарима солинди. Биринчи чорада бошқарманинг “Ишюнч телефони”га 9 та мурожаат бўлди. Уларнинг биттасига ҳўқуқий тушунтириш берилиб, 6 та мурожаат бўйича тадбиркорлар ҳўқуқи тикланди.

Жўмладан, вилот алаия бошқармаси Чирчиқ шаҳридаги “Трес қурилиш савдо” масъулият чекланган жамияти раҳбари Ю. Холматов ва Ўртачирчиқ туманидаги “Варзоб ҳосил” фермер ҳўжалиги раҳбари Д. Қурбоннинг ҳудудий ахборот маслаҳат марказлари томонидан савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш ва аъзолик бадали тўлаш талаб қилинаётганини тўғрисидаги шикоятини ўрганиб чиқди.

Тадбиркор Чирчиқ шаҳар ҳўкимлигида улғуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан мурожаат қилган. Улғуржи савдо фаолиятини ҳали бошламаган тадбиркорга савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш шартлиги тушунтирилиб, аъзолик бадали тўланганидан кейинги бадали тегишли лицензия берилиш ҳақида асосиз талаб қўйилганига асоси қилинди.

Бу масала юзасидан Савдо-саноат палатасининг вилот бошқармасига тақдимнома киритилди. Кўрсатилган камчилик бартараф этилди ва палатанинг Чирчиқ шаҳар, Ўртачирчиқ туман бўлиmlари раҳбарлари Ф. Мадаминов ва Т. Одиловларга интизомий жазо қўлланди.

Тадбиркорликка оид қонун ҳўжатларининг ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда 2656 та

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН- ВЕНГРИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Таълим иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбир Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг таълим иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника ва сўғурта соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Венгриянинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгрок фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Венгрия компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги бевосита алоқаларни янада мустаҳкамлаш мўҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва қорхоналари ҳамда Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация бйржа ўтказилди.

Мадина УМАРОВА, Ў.А. муҳбири.

қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Улар асосан тадбиркорлик субъектларини рўйхатда олиш, ер ажратишда, шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш, лицензия ва бошқа рухсатномаларни олиш, текширишлар тартибини бузиш, банк соҳасига оид қонунбузилишларидир.

Чўнончи, Бўка туман ҳўкимлиги “Уста” масъулият чекланган жамиятига улғуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия берилишида ортиқча ҳўжатлар талаб қилган.

Ҳолат юзасидан Бўка туман ҳўкимлиги тақдимнома киритилиб, ҳўкимлик ҳодими Х. Худойерова интизомий жазо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан Қарорлари ижроси юзасидан вилотнинг 3 та шаҳар ва туманидаги ахвол ўрганилди. Уларнинг ижроси юзасидан 230 та, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳўжатлар талаб қилишга доир 227 та, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунчи тўхтатиб қўйишга, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳўқуқини бериш лицензияларни қонунчи равишда тўхтатиб қўйишга амал қилишнинг тўғрисида бекор қилишга оид 3 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Улар юзасидан мутасаддиларга нисбатан 9 та тақдимнома, 22 та даъво ариза киритилди. 6 нафар ҳодим интизомий жавобгарликка тортилди.

Иброҳим ХОТАМОВ, вилот алаия бошқармаси тадбиркорлар ҳўқуқларини ҳўмия қилиш бўлими бошлиғи.

НИГОХ



ИККИ ДАРЁ «ПОЙГАСИ»

айрим Европа мамлакатларига том маънода фалокат келтирган бўлса, баъзиларига ҳамон таҳдид солаётган

Май ойидаги кўп кунли сурункали ёмғир ва кучли жағалар Марказий ва Шарқий Европа аҳолиси учун катта офатга айланди. Ҳаммадан кўп Польша мамлакатига азият чекди.

Мамлакатнинг асосий дарёси – Висла тинимсиз ёғинлардан ҳосил бўлган пўртана суви билан кўп қишлоқ ва шаҳарларга "босириб қириб", тинч аҳолини ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур қилди. 20 мингдан зиёд аҳолини хавфли зоналардан қўчиришга тўғри келди.

Майнинг ўрталарида бошланган кучли ёмғир бир кеча-кундузда "икки ойлик нормани бажарди". Аввалига, табиий офат таъсирини Венгрия ва Чехия мамлакатлари ҳис қилди. Қатор шаҳарлар аҳолиси қум тўлдирилган қоплар билан дамбалар қуришга мажбур бўлди. Эртасигаёқ офат Польша ҳудудига етиб келди. Ҳафта охирига бориб, маълум бўлдики, ёмғир ҳавибери тинмайди. Ёгин суварли Висла дарёсига қўйилиб, қирққлардан тошди ва наридан-бери қурилган дамбаларни юйиб кетди.

Краков шаҳрида Висланг суви 1997 йилдаги рекорд даражадан бир метр, фақуллода вазиат белгисидан эса уч метр юқори кўтарилди. Хайриятки, шаҳар ортқича жабр кўрмади. Шундай вазиат Варшава ҳам кузатилади. Қўтқарувчилар дарё кир-

гоқларини мустаҳкамлашга улгуриб, шаҳарни бутунлай сув босишига йўл қўймадилар.

2012 йилда Европа футбол чемпионати қабул қилиши лозим бўлган Вроцлав шаҳри сув остида қолди. Дарвоқе, бунда Висла эмас, Одер дарёси "айбдор". Поляклар Одра деб аташадиган бу дарёдан немислар ҳам хавфсиз бўлишди. Чунки, у Польша билан чегара бўйлаб оқади, бинобарин, дарёбўйи шаҳарларини сув босиши мумкин. Шунингдек, Ротцдорф шаҳри ҳудудига Одернинг суви одатдагидан 19 сантиметрга кўтарилди. Франкфурт-Одер шаҳрида эса, сувнинг тўрт метр юқорилаши кутиляпти.

Табиий офатдан Украина ҳам четда қолмади. Мамлакат фарбидидаги бир қатор қишлоқларда мингдан зиёд уйларни сув босди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офат 20 дан зиёд европаликларнинг ўлимига сабаб бўлди. Шундан, 2 киши – Сербия, яна 2 киши Венгрия ва бир киши Словакия фуқаролари. Польша энг кўп талафот кўрди – 15 киши тошқинлар қурбони бўлди.

Польша офатдан қўрилган зарарини 2 миллиард евро деб баҳолаб, халқаро ҳамжамиятдан ёрдам сўради. Кўллаб Европа давлатлари жағланганлар учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатишини маълум

қилди. Мамлакат бош вазири Дональд Туск жағланган бирор поляк давлат кўмагидан бенаиб қолмаслигини ваъда қилди. Ҳозирча, барча зарар қўрганларга тахминан 1200 евродан ёрдам пули берилиши маълум бўлди. Бироқ, маъмурият кейинчалик моддий ёрдам миқдори кўпайиши мумкинлигини айтмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда жиддий вазият юзага келган бўлса-да, фақуллода ҳолат эълон қилинмади. Бош вазирининг фикрига қараганда, бунинг сабаби оддий. Президент Лех Качинский ва бошқа юқори мансабдор кишиларнинг фожиали ҳалокати қайғусини бошдан кечиравган Польшада фақуллода ҳолат тартибининг жорий этилиши 20 юнга белгиланган сайловларнинг орқага сурилишига олиб келиши мумкин.

Дарвоқе, Польша президенти самолётининг ҳалокати сабабларини ўрганувчи давлат эксперт комиссияси бошлиғи Эдмунд Клих юз берган фожидада экипаж айбдор эканлигини эътироф этди. Учувчилар об-ҳаво ноқулайлиги билан боғлиқ жиддий хавф туғилаётгани ҳақидаги оғохлантиришларга мутлақо қўлоқ солмай, ўта хатарли таваккалчиликка йўл қўйилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Юртимизда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Sen Yolg'iz Emassan!" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Ҳар бир фарзандага – меҳр, эътибор!" мавзусидаги махсус ҳафталик давом этмоқда.

ҲАФТАЛИКДА ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Ушбу тадбир доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун қизиқарли учрашувлар, концертлар, театрлаштирилган томошалар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида болалар учун ташкил этилган фильмлар намоиши ана шундай тадбирлар сирасидан бўлди. Режиссёр Жасур Исҳоқовнинг "Уруш йиллари болалари" ҳужжатли фильми намоиш этилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган ва Ўзбекистондан меҳр-эътибор, бошлана топан ўғил-қизлар тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

ЎЗА муҳбири.

"Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чорвоқ бўйидаги "Ёшлик" оромгоҳида навбатдаги дам олиш мавсумининг ёпилиш тантанаси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ёзувчи Мақсууд Қориев болалар ҳузурига меҳмон бўлиб келди.

БОЛАЛИКНИНГ МАФТУНКОР ДУНЁСИ

– Мен ҳузурингизга отланганимда, шундай мукамал ўқув-дам олиш масканини кўришим хаёлимга ҳам келмаган эди, – деди ёзувчи оромгоҳнинг марказий майдонида саф торган 200 дан зиёд ўғил-қизга мурожаат қилиб. – Ота-оналаримиз меҳнатни, давлатимиз раҳбарининг баркамол янги авлодини тарбиялаш йўлидаги беқийс гамхўрликлари билан мана шу тоғ бағрида, Чорвоқ денгизи бўйида бутун бир ўқув-дам олиш шаҳарчаси барпо этилганлигини кўриб, бениҳоя ҳайратландим.

Ёзувчи аълоли ўқувчиларга ўз асарларидан совға қилди. Мавсумнинг ёпилиш маросими катта байрамга айланиб кетди. Болалар турли миллат ва элатларнинг қўшиқларини кўйлаб, рақсларини ижро эттишти. – Бу мавсумда Бекобод, Олмалик ва Тошкент шаҳридан келган болалар ўн саккиз кун давомида ўқини давом эттириб, мириқиб дам олишди, – деди оромгоҳ бошлиғи Фарида Хусанова. – Ўтган йили болаларни дам олдириш натижалари бўйича оромгоҳимиз республика болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш комиссиясининг дипломи билан тақдирланди. Тантанада шу мукофот ҳам топширилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЛУКМА

ТОВУҚЛАРГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ!

Қибрай туманидаги "Тошкент парранда" масъулияти чекланган жамиятида "Маънавият ва маърифат" хонаси очилишига бағишланган тақдиротта тақдир этилди. Таъририят фотомухбири Еркебой Ботиров билан айтилган соатда манзилга етиб бордик.

Негадир фабриканинг қорувули тадбирдан беҳабар эканми, бўйини қисиб, ҳайрон бўлди. Шу заҳотиёқ бизни тадбирга тақдир қилган жамиятнинг маънавий тарғиботчиси Ибрат Юсуповга қўнғирқ қилдик. У хотиржам оҳангда йиғилиш бошқа кўнға қўчирилганлигини айтиб, бизни яна ҳам ҳайрон қолдирди. Аслида ташкилотчи дегани тадбир қолдирилганлигини тақдир этилганларга олдинроқ айтиб, оғохлантириши керак эмасми? Шунча жойдан овоза бўлиб келганимизга, бекор кетган вақтимизга афсусландик.

Ҳа, майли, шунақаси ҳам бўлиб туради. Фожиаяш керак эмас, ҳар ҳолда фабрика мисолида

Дарвозадан ҳеч ким чиқиб кетмади. Маъмурият биноси ёнида тизилиб турган хизмат машиналарига кўзимиз тушиб, ажабландик.

Биз қўриқлаш хизмати бошлиғига мақсадимизни тушунтирдик. У бўлса, "газета-пазентан билан ирим йўқ", дея жуда ҳам ярашмаган муомала қилди ва ... юмшоқ қилиб айтганда эшикни ташқарида ёпишимиз лозимлигини тушунтирди.

Халқимизда ўйнаб гапирсан ҳам ўйлаб гапир, деган нақл бор. Аслида бу ҳангома кимга керак? Йўқ тадбир учун тақдир этиб, овоза қилишса, боз устига ошқора ҳурматсизлик... Одамга алам қилар экан.

Ҳар ҳолда бу даргоҳга маънавий хонаси жуда-жуда керак экан, деган хулоса билан қайтдик. Албатта, товуқлар учун эмас...

Учун ҲАМДАМОВ.

Утеранный оригинал устава, зарегистрированный в Министерстве юстиции за № 10446 от 20.10.2009г., а также, круглую печать и угловый штамп принадлежавший ИП ООО "OMNINVEST ASIA".

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Утеранный план на квартиру по адресу: г. Ташкент, Сабир Рахимовский район, массив Кара-Камыш 1/2, дом 17, кв. 13 на имя Романовой Светланы Гавриловны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план дома и ордер № 05-02/126, выданный 09.12.92г. БТИ Сабир Рахимовского района на имя Азимовой Мамлакат Каримовны по адресу: Себзар, дом 4, кв. 28б.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Тошкент виллояти Қибрай туманидаги 19-урта мактаб томонидан 1987 йилда Тиллябаев Раҳман Раҳимович номига берилган 413895 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги "PERS OIL" масъулияти чекланган жамиятининг (ИНН 301349742) устав фонди 60 000 АҚШ долларидан 3000 АҚШ долларига қайтарилганлигини маълум қилади.

ООО "BEKOBOD KOREYA" (ИНН 300084924), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията г. Бекабада, расположенное по адресу: г. Бекабад, ул. Ибрагимова 2-А.

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Решение учредителя № 1 от 26.05.2010г.). Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования данного объявления по тел.: (+99898) 300-91-83.

Тошкент шаҳар Мировод саноат касб-хунар коллежи томонидан 1999 йилда Беков Бахтиёр Юсупкулович номига берилган № 115325 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент виллояти, Янгийўл туманидаги 45-урта таълим мактаби томонидан 19.06.2008 йилда Жуманов Даврон Бахтиёр ўғли номига берилган U № 3441841 рақамли 9-синфни тамомлаганини ҳақидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 22.06.2009 йилда № 051818 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 492882619) акка тартибдаги тадбиркор Анарметов Шерзод Шаполатовичга тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный кадастровый документ за № 169/2009 от 15.07.2009г., выданный "Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси. Ер тизими ва қўлмас мулк кадастри хизмати" давлат унитар корхонаси по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Б. Зокирова "Савдо мажмуаси" на имя Абдурашидова Алишера Абдурашидовича, ул. И.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЎЗМУ (аввалги Тошкент Давлат университети) томонидан 1985 йилда Кац Александр Абрамович номига берилган МВ-1 099877 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

В связи с Указом Президента Республики Узбекистан от 05.05.2010г. "О мерах по дальнейшему усовершенствованию института нотариата в Республике Узбекистан" деятельность нотариуса Османовой З. Э., занимающей частной практикой в городе Янгйюле Ташкентской области упразднено с 15 мая 2010г.

Утеранный аттестат O'R-SH № 0911336, выданный средне-образовательной школой № 11 г. Алматы Ташкентской области в 2008 г. на имя Глухова Георгия Витальевича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

СП ООО "TOSHKAYATEKSTIL" сообщает, согласно решения внеочередного общего собрания учредителей (Протокол № 03/01 от 05.03.2010г.) директором филиала "TOSHKAYATEKSTIL LTD AVRUPA SERBEST BOLGESI SUBESI" Ахмет Кавакчи освобожден от занимаемой должности с 05.03.2010г. на должность директора филиала "TOSHKAYATEKSTIL LTD AVRUPA SERBEST BOLGESI SUBESI" назначен Ахмет Гюмюш.

ООО "ALINASVET" (ИНН 301512818), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Учм, дом 146, кв. 6.

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Протокол собрания № 1 от 30.04.2010г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 216-61-48.

Частное предприятие "GERARD EXCLUSIVE" (ИНН 301017941) Юнусовского района сообщает об изменении уменьшения уставного фонда с 35789199 сумов до 3000000 сум. Тел.: 127-65-01.

«Савдогарбанк» республикамиз кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари ва аҳолиси, шу жумладан, ёш онлашарини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик учун микрокредитлар ҳамда истеъмол кредитларини тақдир этади

Истеъмол кредитлари бериш тартиби: Истеъмол кредитлари жисмоний шахсларга маиший асбоб-ускуналар, техника, мебель, уй жиҳозлари, қурилиш материаллари харид қилиш ва бошқа мақсадлар учун берилади:

Кредит мақсади	(1 йилгача мuddатга)	(2 йилгача мuddатга)	(3 йилгача мuddатга)
Бошлангич бадал миқдори камида	30%	30%	30%
Маиший техника, мебель ва уй жиҳозлари учун кредит фоизи	14%	15%	16%
Қурилиш моллари харид қилиш учун кредит фоизи	14%	15%	16%
Бошлангич бадал миқдори камида	40%	40%	40%
Маиший техника, мебель ва уй жиҳозлари учун кредит фоизи	12%	13%	14%
Қурилиш моллари харид қилиш учун кредит фоизи	12%	13%	14%
Бошлангич бадал миқдори камида	50%	50%	50%
Маиший техника, мебель ва уй жиҳозлари учун кредит фоизи	10%	11%	12%
Қурилиш моллари харид қилиш учун кредит фоизи	10%	11%	12%

Истеъмол кредитлари бўйича фоизлар олинган кредитнинг тулик миқдоридан ҳисобланиб, бошлангич бадал банк депозитига қабул қилинади ва унга фоиз ҳисобланади.

Ёш оилаларга истеъмол кредитлари асосий қарзини қайтариш мuddати бўйича 6 ойлик имтиёзли давр берилади.

Кичик бизнес тадбиркорлик субъектларига қуйидаги кредит турларини тақдир этади.

Кредитлар иктисодиёт тармоқларига йўналтирилиши бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- саноат
- қишлоқ хўжалиғи
- тайёрлов ташиқлотлари
- транспорт ва алоқа
- қурилиш
- савдо ва умумий овқатланиш
- моддий техник таъминот ва сотиш
- маиший коммунал хизмат
- бошқа тармоқлар

Объектлар бўйича: қисқа мuddатли кредитлар: – хом ашё ва материаллар харид қилиш; – товар моддий бойликларни мавсумий ва вақтинчалик захираларини яратиш; – махсулотларни етиштириш

ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

– махсулотларни янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва янги ишлаб чиқаришни йўлга (шу жумладан, ускуналарни ўрнатиш ишларига) қўйиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш;

– юқори ликвидли товарларни чакана савдосини ташкил қилиш учун ишлаб чиқариш технологияларини яхшилашга, товарлар ишлаб чиқаришни қўлайлаштиришга, сифатини оширишга, бўмларини чидамлилигини ўзлаштиришга, қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш;

– аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш;

– амалдаги қонунчиликда қўзда тутилган ҳолларда қорхона ва ташкилотларнинг

2.5. Кредит таъминоти турлари

Кредитни қайтмай қолиш хатарини қамайтириш мақсадида қарз олувчи томонидан ишончли кредитлардан ташқари барча кредитларга асосий талаби тез сотилиш хусусиятига эга бўлган қуйидаги таъминот турларидан бири расмийлаштирилиши керак:

1. Мол-мулк ёки қимматли қўғозлар гарови;

Миллий валютадаги омонатлар:

1) "Бахтли болалик" омонати камида 10 йиллик – йиллик 14 фоиз
2) "Сармоя" омонати 1 ойлик – йиллик 14 фоиз
3) "Жозибдор" омонати 1 ой-12 ой – йиллик 14 фоиз
4) "Ёз ифори" омонати 1 ой-3 ой – йиллик 18 фоиз
5) "Қувонч" омонати 4 ой-12 ой – йиллик 24 фоиз
6) "Фаровон ҳаёт" пластик карточка омонати – йиллик 14 фоиз
7) "Талаб қилиб олингунча" омонати – йиллик 5 фоиз

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан кафолатланади.

лан берилади. Тижорат шартлари асосида бериладиган истеъмол кредитлари бўйича имтиёз қўзда тутилмаган.

Истеъмол кредитлари қайтарилиши таъминоти сифатида банк кафолатлари жисмоний шахслар депозитлари, юридик шахслар кафилиги ёки мол-мулк гарови қабул қилинади.

қуйидаги кредит турларини тақдир этади.

– зотдор чорва моллари сотиб олиш ва асосий подани шақллантириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иктисодиётнинг реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури" тўғрисида"ги ПФ-4058 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига айланма маблағларини тўлдирish учун;

– жисмоний шахсларга;

– олий ўқув юрталарининг қўл-қўл қўлларидан тахсил олаётган талабалар учун таълим кредитлари;

– истеъмол кредитлари;

– ипотека кредитлари берилади.

2. Банклар, бошқа кредит муассасалари ёки суғурта компанияларининг кафолати;

3. Учунчи шахсларнинг кафилиги;

4. Ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда юри-тувчи суғурта идораларининг кредитни қайтмай қолиш хатарини суғурталаганлиги ҳақидаги суғурта полиси.

Чет эл валютасидаги омонатлар:

1) "Даромад плюс" чегараланмаган мuddатга – йиллик 7 фоиз
2) "Комфорт" омонати 3 ой – йиллик 6 фоиз
3) "Универсал" омонати 6 ой – йиллик 6 фоиз
4) "Элит" омонати 1 йил – йиллик 7 фоиз

Хизматлар лицензияланган.

ЧЎКАЁТГАН ХАСГА ЁПИШАДИ

деганларидек, Тожикистон раҳбарларининг обрўси кун сайин «чўкиб» бораётган шу кунларда Роғун ГЭСи улар учун халоскор хас вазифасини ўтаяпти

Қуриляётган Роғун ГЭСи бугунги кунга келиб, Тожикистон ҳукумати сиёсатининг мамлакат президенти Имомали Раҳмон наздида "устувор вазифаси"га айланди. Гидроэнергетика иншооти тинимсиз қучли зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудда бунёд этилаётгани эса уларни мутлақо ташвишга солаётгани йўқ.


Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик ўртасида ГЭС қурилишининг келажақ оқибатлари ҳақида "гап ҳам бўлиши мумкин эмас". Чунки, расмий Душанбе Роғун ҳар қандай қучли зилзилаларга бардош бера олишига ишонади. Бироқ, бу фикр нима учундир шу пайтгача илмий нуқтаи назардан тасдиқлангани йўқ. Электр иншооти қурилиши учун халқдан йиғилаётган садақа пулларнинг тақдирини маълум. Оддий фуқаролар, нари борса, берган пулларига яраша акцияга эга бўладилар. Аммо, дивиденди, ҳеч шубҳасиз, Имомали Раҳмоннинг оила аъзолари ва қариндошлари ўртасида тақсимланади. Масалан, Сангтўда ГЭСи қурилишида худди шундай бўлган. Бундан ташқари, халқдан йиғилган маблағлар иншоот қурилишига эмас, балки давлат тепарисада ўтирган мансабдорлар чўнтагини қаппайтиришга йўналтирилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Имомали Раҳмон ва унинг "сарой экспертлари" Роғун қурилишини қарийб миллий мафкура даражасига кўтариб, бошқа бир муҳим муаммони унутиб қўйдилар. Гап шундаки, муз тоғлари эрий бошлагани муносабати билан ГЭС қурилиши масаласида ҳукумат учун қатор қийинчиликлар юзага келди.

Маълумки, Тожикистоннинг Жирғитол тумани тоғли ҳудудларида Федченко музligи бор. Унинг умумий майдони 700 квадрат километр, музнинг қалинлиги бир километрдан зиёд бўлиб, 45 та майда музликлардан иборат. Ҳозирги пайтда шу музликнинг эриш жараёни қузелтирилмоқда. Бу Муқсув ва Сурхоб дарёлари суи сатҳининг кескин кўтарилишига олиб келади. Айнан Федченко музligи ушбу сув ҳавзаларининг манбаи ҳисобланади.

Шу сабабли, март ойининг бошларида Сурхобдан бошланадиган Вахш дарёси суви кўтарилиб кетиб, Роғун ГЭСи иккита агрегати машина залларини сув босди. Оқибатда ўрнатилган техника воситалари ишдан чиқди. Тожикистон ҳукумати бу кўнгилсиз ҳодисани жамоатчиликдан яширди. Сув босқини оқибатларини бартараф этишда қатнашган ишчиларга бу ҳақда ҳеч кимга

лом-мим демаслик "тавсия этилди".



Қурама тоғлар эстадидаги Лашкарқоқ қишлоғи Ангреникнинг сўлим гўшаларидан ҳисобланади.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

ГУГУРТ ЧАҚИШДАН АВВАЛ...

Ҳадемай қишлоқ меҳнаткашлари яна бир муҳим мавсум – галла ўримиға киришади. Айни пайтда вилоятимиз бўйича 133,5 минг гектардан зиёд майдонда эҳлимиз ризқ-рўзи, халқимиз фаровон турмушининг мустаҳкам асоси бўлган бугаюдан мўл ҳосил етиштиришмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятимизнинг бир қатор туманларидаги олди галлазорларда кўкка буй чўзиб турган адл бошқоқлар яна са-ноқли кунлардан сўнг тўла пишиб етилади. Шундай экан, минг-минглаб фермер ва деҳқонлар бу йилги ҳосил чўзи-дан барака қўтиб, мўмай да-ромад эгаси бўлиш умидида кун санаётганлари аниқ.

Бирок, бу ҳақда кўп ва ҳўп гапирилаётганига қарамай, айрим деҳқонларимиз агро-техника қондаларига, экологик мусофоллик талабларига зид равишда галладан бўшаган майдонлардаги сомон қолдиқ-ларини аёвсиз ёқиб юбориш-моқда. Бундай ноҳус ҳолат-ларнинг унмудор қатлами-га жиддий зарар етказиш билан бирга атроф-муҳит эко-логиясига бемисл даражада хатар тудираётганини тушу-ниб олиш кийин эмас.

Шундай йўл тутган айрим ер эгаларини (уларни деҳқон дейиш мумкинми, билмадик) саволга тўсангиз, қилишлари-рини ерни такрорий экин экишига тайёрлашда вақтдан ютиш баҳонаси билан оқла-моқчи бўлишади. Шундай ҳам дейлик, бирок савол кетидан савол туғилади. Мақсад так-рорий экин етиштириш экан, сомон қолдиқларини ёқиб юбориш шартмики?

Мутахассисларнинг илмий асосланган хулосаларига кўра, такрорий экин етишти-риш учун бундай йўл тутишга сира ҳоҳат йўқ. Сомон қол-диқлари яхшилаб йиғиштириб олинган, ер бир кўр суғори-либ, яхшилаб ҳайдалсан ки-фоя. Айрим турдаги экинлар-ни етиштириш учун эса, ҳатто ерни шудгорлаш ҳам шарт эмас экан.

Бу – биринчидан. Иккинчи-дан, бундай салбий ҳолатга йўл қўйиш ернинг унмудор қатламига жиддий зарар ет-казиш, демакдир. Сомон ёқи-ниши ҳафтаюда ер 20 сан-тиметр чуқурликкача қизиб кетиши натижада унинг мелiorотив ҳолати ўз меъё-рини йўқотади. Аниқроғи, унинг унмудорлигини таъмин-ловчи мингдан ортқ микро-элементлар, фойдали хаша-ротлар, деҳқонлар тили билан айтганда, тупроқнинг табиий "ҳосилот"лари, беминнат дастёрлари қуйиб қулга айла-нади. Ваҳоланки, бир гектар ерда ўртача 4 миллиард дона атрофида энтомофаг жони-ворлар учрайди.

Учинчидан, бу иқтисодий жиҳатдан ҳам зиёндор. Нега-ки, сомон чорва учун қўшим-ча озуқа ўрнини босиб турган бир пайтда ҳар гектар ерда

Абдумуталлиб
АБДУХОЛИҚОВ,
вилоят табиати
муҳофаза қилиш
қўмитаси давлат нозир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-440.

Адади 9941.

Хажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 2 3 4 5

«ҚИЗИЛ КИТОБ» ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон флорасида 4 мингдан ортқ ўсим-лик тури мавжуд. Шулар ичида лоладошлар оила-сининг йўқолиб кетиш хавфи бўлган ноёб вакил-ларидан 24 тури "Қизил китоб"га киритилган.

Бу ажойиб гул бизга қадимдан маълум. Лола-нинг келиб чиқиши Тянь-Шан тоғ тизмаларидан бошланади. Қадимдан халқимиз лолани "табиат қироли", деб бежиз ном-ламаган, унинг рангба-

либ, ўзига хос яшил во-дийни ташкил қилади. У ерда денгиз сатҳидан 1600-2000 метр баланд-ликда "Введенский" лола-си учрайди. "Қизил ки-тоб"га киритилган бу ўсимлик ўзи мансуб оила-



ЛОЛАЛАР ЭРМАСКИ УЛ...

ранглиги ҳамда мафтун-корлиги ҳеч қимми бе-эйтибор қолдирмайди. Ҳатто газал мулкнинг буюк султони Алишер Навоий ҳам ўзининг қатор асарларида бу ажойиб гул мадҳини кўп бора таран-нум этган. Ҳазратнинг:

Фурқатингдин заъфарон
узра тўқармен лолалар,
Лолалар эрмаски ул,
бағримдин эрур

парголалар, –
деган машҳур мисралари-ни ким билмайди, дей-сиз?!

Оҳангарон тумани ҳудо-ди "Қурама" ва "Чотқол" тоғ тизмалари билан ўра-

нинг ниҳоятда ноёб ваки-ли ҳисобланади. "Введен-ский" лоласининг бўйи 10-20 сантиметр, гуллари қизил ёки сарғиш рангли, тоғ ён-бағрида, текислик-ларда апрель-май ойида, тоғ чўққиларида июнь-июль ойларида гуллади. Кўп йиллик пиёзли ўт. Уруғидан ва пиёзидан та-рқалиб, яккам-дуккам ўсади.

Табиий ҳолда ўсган лола ўсимликларининг йўқ бўлиб кетиш хавфи улар кенг тарқалган майдон-лардан чорва яйлови си-фатида фойдаланиш ҳам-да аҳоли томонидан пиё-зигача қўлиб олиниши ва

шикаст етказилиши нати-жасида юзага келмоқда. Шу ўринда, тақрор бўлса ҳам эслатиб ўтиш жоизки, амалдаги қонун-чиликка мувофиқ, "Қизил китоб"га киритилган ўсимликларни нобуд қилиш ва улардан турли мақсадларда фойдаланиш қатъий таъқиб қилинади. Шундай ҳол юз берган тақдирда айбдорларга маъмурий ва ҳатто, жино-ий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Олим АРЗИБОВЕВ,
Оҳангарон минтақавий
табиати муҳофаза
қилиш қўмитаси
раиси.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти
табиати муҳофаза қилиш
қўмитаси саҳифаси

5 ИЮНЬ – БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

"ЭКОСАН" халқаро жамо-ат фонди вилоят ўрта мах-сус, касб-хўнар таълими бош-қармаси билан ҳамкорлик-да "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Ёшлар онгига экологик ма-даниятни шакллантириш таълим ва тарбия жараёни-нинг муҳим вазифаси ва баркамол авлодни тарбия-лашнинг асосий негизидир" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Тошкент туманидаги иж-тимоий-иқтисодий касб-хўнар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари йилгилан ушбу тадбирда олимлар, соҳа ўқитувчилари атроф табиий муҳит ва уни асрашда, ёшлар тарбиясида экологик онг ва маданиятни шакллан-тиришнинг аҳамияти юзаси-дан маъруза қилдилар.

Коллеж ўқувчилари эса, 5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ку-нига бағишлаб мавзуга оид кўргазмаларини намойиш эттиди.

Анжумани кириш сўзи билан очган коллеж касба уюшмалари раиси, кафедра мудири Фуркат Нуриддинов "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди билан ушбу ўқув мас-кани ўртасида кўп йиллар-дан бери самарали ҳамкор-лик мавжудлиги, ўқувчилар экология соҳасидаги изла-нишларида бу имкониятдан

унумли фойдаланишгаёт-гани алоҳида ургу берди.

"ЭКОСАН" халқаро жамо-ат фонди бошқаруви раиси-нинг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Шавкатбек Мамадалиев "Ўзбекистонда экологик му-

БОРЛИҚҚА МЕҲР

таълим муассасаларида
шаклланиши керак

аммоларга эътибор" мавзу-сидаги қишлоқда Ўзбекис-тон Республикаси Конститу-циясининг 50-, 54- ва 55-моддаларида белгиланган соҳага оид ҳуқуқлар ва маж-буриятларнинг ижросини амалга ошириш борасида мамлакатимизда олиб бори-лаётган ишлар ҳақида сўзлаб, улар асосида қабул қилинган қўллар қонун ва қонуности ҳужжатларни ўрганиш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш масалаларига эътибор қаратди. Жумладан, ўз мус-тақиллигига эришганидан

бўён Ўзбекистон атроф-му-ҳитни муҳофаза қилиш бўйича 11 та халқаро кон-венция ва протоколларни ратификация қилган. Улар-нинг моҳияти, Она табиат-ни асрашдаги аҳамияти ҳамда мамлакатимизда бу

боллари Дастури ва Концеп-цияси тўғрисида"ги қўшма қарор ижросини таъминлаш-да "ЭКОСАН" халқаро жа-моат фонди ташаббуси бил-лан касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари ва ўқувчилари учун экология фанидан ўқув қўлланма тайёрланаётир. Бундан ташқари Низомий номиди Тошкент давлат педагогика университети-нинг агропедагогика, эко-логия ва уни ўқитиш мето-дикаси кафедрасининг до-центлари Тошби Норбо-боева ва Ўқтам Ҳўназаро-ровлар томонидан мактаб ўқувчилари учун экология бўйича дарслик ёзиб туға-тилди.

Ўқув масканида ёшлар билан мунтазам равишда ўтиладиган экология дарс-ларидан ташқари олимлар ҳамда экология амалиёти мутахассислари ўтказётган суҳбатлар, табиатга меҳр уйғутувчи машғулотлар, тад-бирлар, танловлар ҳамда экотуристтик саёҳатларнинг мунтазам, режалли ўткази-б борилиши коллеж ёшлари-нинг экологик онги ва мада-ниятининг мустаҳкамланиши-да муҳим омил бўлмоқда.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
"Экосан" халқаро фонди
жамоатчилик
билан алоқалар
бўлими раҳбари.

«ДАЧА»НГИЗ СУВ БЎЙИДАМИ?

Агар шундай бўлса, мавсумда дам олувчилар сизга мўмайроқ ҳақ тўлашлари аниқ. Аммо...

Вилоятимизнинг бетакрор, сўлим ва ҳушманзара гўшала-ри ўзининг мафтункор гўзал-лиги билан хамиша эътибор-ни жалб этиб келган. Жазир-ама ёшлар бошланғичи билан хушхаво ва хушманза-ра табиат бағрида мириқиб дам олишни, дўст-ёрлар, кўнгилга яқин инсонлар билан ҳордиқ чикаришни хошламайдиган инсон бўлишга керак.

Биргина Бўстонлиқ тумани-даги сўлим оромгоҳлар, дам олиш масканлари, дабдабали шаксий ҳордиқхоналар, дала ҳовлилар мавсум мобайнида қанча дам олувчини қабул қилишнинг аниқ ҳисобига етиш мушкул. Бу ерга республи-

ликамининг барча ҳудудла-ридан дам олувчилар келиша-ди. Улар орасида қимлар йўқ, дейсиз.

Албатта, табиат қўйида мириқиб ҳордиқ чикариш ин-сонга аввало хуш кайфият бахш этиши билан бирга, соғ-лиқ учун, ишчанлик қобилия-тини ошириш учун беқиёс аҳамиятга эга. Бирок, минг афсуски, ҳордиқ учун келиб-кетувчиларнинг ҳаммасида ҳам (айтиш мумкинми, аксариятида) дам олиш маданияти етишмай-ди. Мавсум ниҳояларига бориб, Чорвоқ сув ҳавзаси атрофла-ри, Чотқол тоғ тизмалари ён-бағирларидаги дам олиш мас-канлари ҳудудига синчиклаб

назар ташлаган инсон бунга гувох бўлиши мумкин. Негаки, ҳудуд ҳар мавсум дам олувчи-лар томонидан ташланган тон-на-тонналаб маший чўкиндил-лардан қопланади.

Бу – жуда катта муаммо. Бинобарин, ҳозир биз эъти-бор қаратётган мавзу буги-на эмас. Назарингиз тушган бўлса, мавсумда қўноқларга хизмат қўриштиб, мўмай пул ишлаб олиш дардида ёна-ётган удадубуронлар қандай йўллар билан бўлмасин, Чор-воқ сув омборининг асосий ўзанлари бўлган Уғом, Чотқол, Кўк-сув дарёлари бўйларида бири-биридан хашаматли "да-ча"лар қуриб ташлашаёпти.

Ачинарлиси шундаки, улар-нинг кўпчилигида олдий ар-хитектура талабларига мут-лақ рия қилинмаган. Боз устига, бу қўлола дала ҳов-лилар мижозларини қўлайти-риш ва табиийки, "ижара ҳақи"ни кўтариш мақсадида аксарияти сув муҳофаза зо-наларини бузиб, тегишли қонун-қондаларга зид равиш-да қад ростлаган.

Ортиқча тафсилотларга бе-рилмаймиз. Яхшиси, вилоят архитектура ва қурилиш на-зорати инспекцияси тақдим этган мазкур фотоларларни кўриб, ўзингиз хулоса чиқариб оларсиз...

Ирода ҚУРБОНОВА.

Саҳифа материалларини вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжан СОКИЕВ ва "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Файрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

ТАШАББУС

ДАРЁГА БАЛИҚ ТУШДИ

Ҳа, сиз янглишмадингиз. Дарёдан балиқ ушлан-мади, аксинча, бу сафар дарёга тирик балиқ таш-ланади...

Кейинги йилларда дарё-ю сойлар, анҳор-ларимизда балиқ турла-рининг камайиб кетган-лиги сир эмас. Шу боис ҳам аҳолини балиқ маҳ-сулотлари билан таъ-минлаш янада кучай-тириш мақсадида Ўзбе-кистон Республикаси-нинг "Республикада ба-лиқчиликни ривожлан-тириш тўғрисида"ги Дав-лат дастури қабул қи-линди. Эндilikда нафа-қат балиқчилик хўжали-кларида, балки табиий сув ҳавзаларида ҳам балиқ турларини кўпай-тиришга катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда Қуйи-чирчиқ туманидаги "Ба-лиқчи" очиқ акциядор-лик жамиятида етишти-рилган 1,5 миллион дона балиқ чавоқлари Сирдарё ҳавзасига таш-ланди. Шунингдек, маз-кур балиқчилик хўжали-ги раҳбарларининг та-шаббуси билан хўжали-нинг ички ва ташқи ариқ ва каналларига ҳам 70

минг дондан балиқ ча-воқлари ташланди. Бун-да балиқларнинг хусу-сиятларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, "Оқ амур" та-биатан асосан сув ўсим-ликлари билан озикла-нади. Улар сув ўтлари кўп бўлган жойларда яхши ривожланади. Унинг яна бир фойдали жиҳати, ариқ ва канал-ларини сув оқимини тўсувчи ўт-ўланлардан тозалайди.

Амалга оширилаётган тадбир табиий сув ҳав-заларимизда балиқ тур-ларини кўпайтириш, та-биий биохимикхилликни таъминлаш билан бир қаторда халқимизнинг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қон-диришга катта ҳисса қўиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Аҳам СОДИҚОВ,
Қуйи-чирчиқ туман
табиати муҳофаза
қилиш қўмитаси
давлат нозир.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

тадбир эса давом этади

Вилоятимизда ҳар йил икки босқичли "Тоза ҳаво" ойлгини ўтказиш яхши анъанага айланган. Аввал хабар қилингандек, мазкур тадбирнинг биринчи бос-қичи республикаимиз бўйлаб 10 апрелдан 10 майга қадар давом этди. Таъкид-лаш жоизки, у Табиий муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган қўшма буйруқ асосида ташкил этилмоқда.

Қўзғигиз тушган бўлса, ойлик мобайнида вилояти-миз шаҳар ва туманларида тадбир моҳиятини содда ва раво усулда тарғиб қилу-ви шир ва лавҳалар пайдо бўлди. Тадбирдан қўзланган мақсад ва вазифалар тўғри-сида жойларда 250 га яқин суҳбат ва учрашувлар уюш-тирилди.

Ойлик доирасидаги яна бир муҳим тадбир – вилоят ҳокимининг тегишли фар-моишига асосан атмосфе-рага автотранспорт восита-лари ҳаракатидан чиқари-лаётган зарарли моддалар кўрсаткичини аниқлаш, авто-мобил йўлларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларига рия қилиниши устидан назоратни қўлайти-риш, автоуловларни техник қўриқдан ўтказишга катта

эътибор қаратилди. Бу бо-рада олиб борилган қатор тадбирлар ва ойлликда фаол иштирок этишга даъват эту-вичи тахлилий материаллар барча туман ва шаҳарларда-ги маҳаллий рўзномаларда, шунингдек, вилоят нашрла-рида чоп этиб борилди.

Шуни таъкидлаш керак-ки, мазкур ойликни муваф-фақиятли ташкил этиш ва ундан қўтиладиган самара-ни таъминлашда қўмита-мизнинг вилоят йўл ҳара-кати хавфсизлиги бошқар-маси билан олиб борган из-чил ҳамкорлиги, айниқса, ҳар тарафлама фойдали бўлди. Жумладан, вилоят ҳудудидидаги барча ИХХБ на-зорат постларида 10 минг-га яқин автоуловнинг тех-ник кўрсаткичлари махсус текширувдан ўтказилиб, уларнинг 808 тасида хавф-ли моддалар ҳажми, 51 та-сида зарарли тўқун микро-ри меъёридан ортқлиги аниқланди. Фойдаланиш мумкин эмас, деб топилган 12 та уловнинг ҳаракати вақтинча тўхтатилди.

Аҳам ҚУРБОНОВ,
вилоят табиати
муҳофаза қилиш
қўмитаси атмосфера
ҳавосини муҳофаза
қилиш инспекцияси
бошлиғи вазифасини
бажарувчи.